


## VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

**Юк ташиш.** 2018 йилнинг январь–июнида барча турдаги транспортлар томонидан 33,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 99,6 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 1 407,0 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 127,2фоизга ўсди.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь–июнь	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юклар, млн. тн.</b>	<b>33,7</b>	<b>99,6</b>
темир йўл транспортида	3,1	101,9
автомобиль транспортида	30,6	99,3
ҳаво транспортида, <i>минг тн.</i>	0,03	90,0
<b>Юк айланмаси, млн. тн–км</b>	<b>1 407,0</b>	<b>127,2</b>
темир йўл транспортининг	814,4	160,3
автомобиль транспортининг	592,6	99,1

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (юк ташишининг умумий ҳажмига нисбатан фоизда)



**Магистрал темир йўл транспортида  
асосий турдаги юкларни ташиш  
(2018 йилнинг январь–июнь ҳолатига)**

	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>3 175,2</b>	<b>101,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
нефть юклари	748,4	129,0
қора метал темир–терсаклари	75,0	139,1
кимёвий ва минерал ўғитлар	343,6	109,3
қурилиш юклари	38,6	47,8
цемент	81,3	64,7
пахта–толаси	0,5	3,2
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	76,6	97,1
бошқа юклар	1 811,2	97,2


Автомобиль транспортида 30,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 0,7 фоизга камдир. Юк айланмаси 0,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилиб, 0,9 фоизга камдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2017 йил январь–июнига нисбатан 3,6 фоизга кўпайди ва 0,4 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 24,9 фоизни (2017 йилнинг январь–июнида 30,7 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 0,030 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 10,0 фоизга камдир.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 2,3 фоизга кўпайди ва 317,6 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 2,8 фоизга кўпайиб, 7,1 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

**Йўловчи ташишнинг  
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати  
(фоиз ҳисобида)**




**Транспорт турлари бўйича  
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

	2018 йил январь– июнь	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>317,6</b>	<b>100,0</b>	<b>102,3</b>
темир йўл транспортида	1,0	0,3	99,8
автомобиль транспортида	316,6	99,6	102,3
ҳаво транспортида	0,039	0,01	109,2
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км</b>	<b>7 071,1</b>	<b>100,0</b>	<b>102,8</b>
темир йўл транспортининг	123,2	1,7	106,3
автомобиль транспортининг	6 947,9	98,3	102,8

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, у 99,7 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 98,3 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 0,2 фоизга камайиб, 1,0 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 6,3 фоизга ошди ва 123,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

**Йўловчи ташиш**  
(2018 йил январь-июнда,  
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда)



Ҳаво транспорти орқали 38,5 мингта йўловчи жўнатилиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 109,2 фоизни ташкил этди.